Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 27-iyun, payshanba № 77 (3270)

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

Эътибор ва рағбат — эзгуликка қанот

Шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги глобаллашув ва интернет асрида ҳаётимизни замонавий ахборот ва ахборот коммуникация техникалари, телевидение ва оммавий ахборот воситаларисиз, янада аниқроқ айтсак, журналистлар фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг журналистика соҳасида «Инсонга наф келтириш — олий бахт» Республика анъанавий танлови ғолибларини тақдирлаш ҳамда матбуот ва ОАВ ходимларини касб байрами муносабати билан рағбатлантиришга бағишланган тадбирда фидойи ва заҳматкаш касб эгаларига эҳтиром кўрсатилди.

Тадбирда танлов иштирокчилари, ўз касбининг моҳир эгалари бўлган журналистлар, оммавий ахборот воситаларининг техник ва ижодий ходимлари иштирок этди.

— Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида ҳам ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилганлиги бежиз эмас, — деди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева тадбирни очар экан. — Юртимизда инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида олиб борилаётган демократик ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишда телевидение ва радио, нашриёт ва матбуот ходимларининг муносиб иштирокини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Ватанимиз Мустақиллигини мустаҳкамлаш, юртимизда кечаётган улкан янгиланишларни кенг жамоатчиликка етказиш, миллий маънавиятимиз тарғиботи, холис ва ҳаққоний ахборот тарқатиш сингари шарафли ва масъулиятли ишларда журналистларимизнинг самарали фаолияти эътиборга лойиқ.

Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш йўналишида амалга оширилган ишлар натижасида матбуот ва оммавий ахборот воситалари фаолияти йил сайин кенг қўлам касб этиб бормоқда. Республикамизда босма ва электрон оммавий ахборот воситалари сони 1292 тани ташкил этади.

Мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар, амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар ва бунёдкорлик ишлари, мустақиллик йилларида барча соҳа ва тармоқларда қўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва қадр-қиммати, Давлат дастурларининг ижобий самараларини юртдошларимиз, айниқса, ёшлар онгига янада чуқурроқ сингдиришга муносиб ҳисса қўшиш, бу борадаги ишларни кенг ёритиб келаётган ОАВ ходимларини муносиб рағбатлантириш мақсадида Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан журналистика соҳасида «Инсонга наф келтириш — олий бахт» Республика анъанавий танлови ўтказиб келинмоқда.

Жорий йилги танловда 90 нафардан ортиқ ижодкор иштирок этди. Улардан 60 нафарга яқини босма, 30 нафардан ортиғи электрон оммавий ахборот воситалари йўналишида ижод қилаётган журналистлардир. Танловга улар томонидан мингдан ортиқ ижодий иш топширилди.

Ушбу ижодий ишларнинг барчаси нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан холисона кўриб чиқилиб, ғолиблар ва рағбатлантирирувчи мукофот соҳиблари аниқланди.

Босма ва Электрон ОАВ йўналишлари бўйича 1-ўринни қўлга киритганлар компютер жамланмаси, 2-ўринни эгаллаганлар «Нетбук», 3-ўрин соҳиблари рақамли фотоаппарат билан тақдирланди.

Ҳар бир йўналиш бўйича 3 тадан жами 6 та рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлган ижодкорларга ҳам ижодий фаолиятларида зарур бўлган рақамли фотоаппарат топширилди.

— Ижодкор аҳли юрагида оламни сиғдира олса-да, қалби жуда нозик ва эҳтиросли бўлади. Ўзига, сўзига, меҳнатига кўрсатилган эътибор ва рағбатдан руҳий қувватланади, — дейди танловнинг босма ахборот воситалари бўйича 3-ўринни қўлга киритган газетамизнинг Наманган вилояти бўйича мухбири Дилдора Раҳмонова. — Ҳаётда кўплаб мукофотларни қўлга киритганман, аммо Федерация Кенгашининг мукофоти мен учун жуда азиз. Чунки деярли барча қаҳрамонларим ушбу тизимда фаолият олиб бораётган жонкуяр, элга наф келтиришни олий бахт, деб билган фидойилардир. Қолаверса, биз журналистлар ҳаётнинг барча соҳаларига ўз сўзимиз, йўлимиз, фикр-мулоҳазаларимиз билан кириб борамиз. Турли касб эгалари ҳақида, уларнинг эзгу фазилатлари, турмуш тарзи, тажрибаси, фаолияти, қўйингки, маънавиятидан тортиб сиёсатигача, ижтимоиятидан иқтисодиётигача — барча воқеа ва ҳодисаларга ўз муносабатимизни билдириб, қалам тебратамиз. Шунинг учун ҳам одамлар бизга катта умид билан кўнгилларини очади, содиқ дўст, ишончли ҳамдам сифатида оғир-енгил дамларда бизга суянади. Бу ишончни оқлаш эса доимо изланишда бўлишни тақозо этади.

Тадбирда, шунингдек, мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган ислоҳотларни, истиқлол йилларида барча соҳаларда қўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятларимиз, халқимиз турмуши ободлигини таъминлаш, бунёдкорлик ишлари орқали Ватанимиз салоҳиятини бундан-да юксалтириш борасидаги саъй-ҳаракатларни ОАВ орқали кенг жамоатчиликка, халқаро ҳамжамиятга етказиб бераётган журналистлар ва техник ходимлардан бир гуруҳи касб байрами муносабати билан Федерация Кенгашининг қимматбаҳо совғалари билан рағбатлантирилди.

(Давоми 3-саҳифада).

Янгиликлар оқимидан

СИРДАРЁ

Гулистон шаҳар Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси кенгашига май ойида нодавлат ташкилот – «Маърифат чашмаси» газетаси таҳририяти ходимлари касаба уюшма бошланғич ташкилоти тузиш истаги билан мурожаат қилишди. Бошланғич ташкилот тузилишига кўмаклашилди.

КАСАБА УЮШМАСИ ТУЗИЛДИ

Кўриниб турибдики, бошланғич ташкилотларга эътибор кучайгани, берилаётган имтиёзлар шу каби ташаббусларга сабаб бўлаяпти. Янги бошланғич ташкилот имтиёзлардан унумли фойдаланаяпти. Аъзоларнинг 3 нафар фарзандига оромгоҳларга йўлланмалар берилди.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» мухбири

НАВОИЙ

Навбаҳор туманидаги «Истиқлол» саноат касб-ҳунар коллежини ўтган ўқув йилида битирган Бегали Эргашев «Халқ банки»дан 12 млн. сўм кредит олиб, металл ва тунука буюмларни қайта ишлашни йўлга қўйди.

ЁШ ИШБИЛАРМОНЛАР

«Бешработ» қўрғони марказида «Гўзаллик салони» очган Эъзоза Комилованинг ҳам ишлари чакки эмас.

Бу йил коллеж битирувчиларидан яна 13 нафарига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун кредит маблағлари ажратилди.

М. АЛОВУДДИНОВ, «Ishonch» мухбири

БУХОРО

«Бухоро» халқаро аэропорти жамоаси фуқаро авиацияси тизимининг қароргоҳи – Москва шаҳрида жойлашган халқаро «Аэропорт» уюшмаси томонидан 2012 йил якунлари бўйича ўтказилган «Йилнинг энг яхши аэропорти» танловида бош соврин — кубок ва биринчи даражали диплом билан тақдирланди. Бундай мукофот МДҲ мамлакатларининг юз мингдан ярим миллионгача йўловчи ташиган аэропортларигагина берилади.

ЭНГ ЯХШИ АЭРОПОРТ

— Аҳил ва юқори малакали ишчи- ходимларимизга яратилган қулай шарт-шароит ҳамда алоҳида кўрсатилаётган ғамхўрликлар туфайли улар халқаро талаблар асосида меҳнат қилишмоқда, — дейди корхона бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Учқун Нуров. — Ўтган йили 121 минг 198 нафар йўловчига хизмат кўрсатилди. Бу – аввалги йилга нисбатан 18 фоизга кўпдир. Шунингдек, аэропортимиз орқали жўнатилган ва қабул қилинган юклар ҳажми 61 фоизга ошди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

ХОРАЗМ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ички туризмни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ўз самарасини бермоқда.

ЮРГАН — ДАРЁ

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши томонидан ҳам шу йўналишда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аъзолардан 25 нафари Бухоро, Самарқанд шаҳарларини зиёрат қилиб қайтишди. Шунингдек, Урганч санъат коллежи касаба уюшма ташкилоти ташаббуси билан 18 нафар ўқитувчи ва талаба Бухоро, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида бўлиб, аждодларимиз яратган бой маданий мерос билан яқиндан танишдилар. Истиқлол йилларида бунёд этилган маҳобатли биноларни кўриб улар қалбида фахр туйғулари уйғонди.

96-махсус мактаб-интернати ходимларидан 20 нафари Бухоро, Самарқанд шаҳарларига, вилоят ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатидан 22 нафари эса Султон Увайс мукаддас қадамжосида бўлишди.

Сафаргул БЕРДИЕВА, таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши раиси

СИФАТЛИ ХИЗМАТ

Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш касаба уюшмалари фаолиятининг устувор вазифаларидан саналади. Тизимдаги такомиллашув жараёнида мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлиги оширилиб, санаторийларда хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилашга эътибор қаратилмоқда.

Ҳаммаси талаб даражасида

Тошкент вилоятидаги «Бўстон санаторийси» МЧЖда ҳам бу борада кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Санаторийда тиббий хизматни талаб даражасида олиб бориш мақсадида ташхислаш-даволаш ишларига катта аҳамият берилаяпти. Кейинги йилларда даволаш биноси таъмирланиб, бир қатор янги муолажалар йўлга қўйилди. Тузли ғор (галотерапия), ичак ювиш хонаси, «Nuga-Best» массажи шулар сирасидан. Ташхис қўйишда «Cyan-Star» анализатори, компютер электрокардиографи, электроэнцефалограмма аппарати, замонавий ректороморноскоп ва кольпоскоп аппаратларидан фойдаланилмоқда. Шунингдек, муолажаларни ўтказишда ишлатиладиган бир қатор аппаратлар: кислород кўпиги учун «Элексир» аппаратлар, физиотерапевтик аппаратлар, сув билан даволаш учун душ кафедраси сотиб олинди. Даволашни янги усулларидан «Нордическая ходьба» ва стоунтерапия йўлга қўйилди.

(Давоми 4-саҳифада).

ЎЗБЕКИСТОН — БАХТИЁР БОЛАЛАР МАМЛАКАТИ!

Беғубор онлар сурури

Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан Бўстонлиқ туманидаги оромгоҳларда дам олаётган болажонлар ҳузурида Ўзбек Давлат цирки томошалари уюштирилди. Мириқиб ҳордиқ чиқараётган ўғил-қизларга олам-олам завқ улашган тадбир «Конструктор» оромгоҳидан бошланди.

Бу ерда маданий тадбир устидан чиқдик. Тарбиячилар қизиқарли ўйинлар уюштирган, дам олувчилар турли чиқишлар қилмоқда. Цирк артистларини кўриб, давра янада жонланди. Қизиқчи-масхарабозларнинг чиқишларидан завқланган ўғил-қизларга боқар экансиз, дунёдаги ҳеч бир кулгу бахтиёр бола табассумига етмайди, деган хаёл чулғайди.

Фурсатдан фойдаланиб, цирк ходими Элнур Имомназаровни суҳбатга тортдик.

— Жамоамиз билан ҳар йили оромгоҳларда болажонларга қизиқарли томошалар кўрсатамиз. Бугун маймун, гапирадиган тўтимиз, Юта исмли кучукчамизни олиб келдик. Ютанинг математик ҳисоб-китобларни билишини кўрсангиз, ҳайрон қоласиз. Ўргатилган, жуда ақлли. Кези келганда, таъкидлаш жоизки, бундай шароитда томоша кўрсатиш цирк саҳнасида чиқиш қилишдан тамомила фарқ қилади. Бу ҳолатда ҳам дам оласан, ҳам ишлайсан. Болалар билан учрашиш менга жуда ёқади. Ҳамиша оромгоҳларга борасанми, деб сўрашганда, жон деб рози бўламан. Ҳар қандай вазиятда келишга ҳаракат қиламан.

Бир гуруҳ болалар даврасида турган оромгоҳ раҳбари Татяна Балуева томон юрамиз. Шароитлар билан қизиқамиз.

— Ҳозир оромгоҳимизда 350 нафар бола дам олаяпти. Шундан 150 нафари қорақалпоғистонлик ўғил-қизлардир, — дейди у. — Ҳар бир кунни режа асосида ташкил этамиз. Турли тўгараклар уларнинг хизматида. 21-23 июн кунлари шахмат, шашка, футбол, сузиш, стол тенниси, енгил атлетика бўйича ўтказилган спартакиада жуда қизиқарли ўтди. Умуман, улар билан ишлаш жону дилим.

— Бу оромгоҳ менда уч йилдан бери гўзал таассуротлар қолдириб келяпти, — дейди хўжайлилик Шаҳрибону Каримова. — Ҳар сафар янги дўстлар орттираман. Тўгаракларда турли нарсалар тикишни ўрганамиз. Овқатлари жуда мазали.

— Мен ҳам ҳар йили бу ерда дам оламан, — дейди пойтахтлик Рустам Машрабов. — Шароитлари зўр. Мазза қилиб чўмиламиз. Мусобақалар уюштирилади. Яқинда ўтган спартакиадада копток улоқтиришдан учинчи ўринни олдим...

(Давоми 2-саҳифада).

"Ishonch"— Сизнинг газетангиз

Нашр индекси — 133

Июл — декабр ойлари учун обуна бўлишни унутмадингизми?

Ishonch
2013-yil 27-iyun № 77 (3270)

Беғубор онлар сурури

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

«Ғунча»даги ниҳоллар

Бу оромгоҳда бизни катта тарбиячи Лола Ёдгорова кутиб олди.

— Бизда асосан Тошкент вилояти, пойтахт ва қорақалпоғистонлик болалар соғломлаштирилмоқда. Очилиш маросимига ҳали ҳафта ўтмаган бўлса-да, улар тезда дўстлашиб, иноқлашиб кетишди, — деди у.

Шу пайт бир бола ёнимиздан ўтиб қолди. Лола опа уни ёнимизга чақирди ва: «Чемпионимиз Женя, ёш бўлса-да, кўплаб ютуқларга эришган», дея таништирди.

— Тошкент шаҳрининг Миробод туманиданман, — деди Женя Турапов. — Кичиклигимдан самбо билан шуғулланиб келаман. 2009 йил Германияда жаҳон ҳамда 2012 йил Андижонда ўтган республика чемпионатларида биринчи ўринни олганман. Бу оромгоҳга уч йилдан бери келаман. Шуғулланишим учун барча шароит бор. Бассейни зўр. Ҳавосини айтмайсизми?! Ҳам мириқиб дам оляпман, ҳам машғулотларимни давом эттираяпман.

Бу орада болажонлар йиғилиб, цирк томошалари бошланди. Опа нарироқда маймун ўйинини томоша қилиб, завқланиб кулаётган қизчани кўрсатиб, Россиядан келган қизимиз, деб қўйди. У билан суҳбатлашдик.

— Тошкентда туғилганман. Беш йилдан бери ота-онам билан Россияда яшаймиз. Ҳар ёзда Ўзбекистонга бувимнинг олдига келиб, «Ғунча»да дам олиб кетаман. Бу ер менга жуда ёқади, — деди Диана Кадишева. — Кўплаб дўстлар орттирдим. Улар билан рақс, тикувчилик тўгаракларида қатнашамиз. Рақс мусобақасида иштирок этиб, жамоа билан иккинчи ўринни олдик. Маза қилиб дам оляпмиз.

Оромгоҳ ходимлари-ю болажонлар цирк

артистларининг чиқишларини зўр иштиёқ билан томоша қилишди.

«Келажак»да

«Келажак» оромгоҳига етиб келганимизда, болажонлар тушки уйқудан сўнг машғулотларга тайёргарлик кўришаётган экан. Бир зумда атрофимизни ўраб олишди. Болалардан бирини суҳбатга тортдик.

— Исми-шарифим Азамат Қаҳҳоров, бўкаликман, — дея ўзини таништирди у. — «Келажак»ка биринчи бор келишим. Менга жуда ёқди. Тоғ саёҳатларига чиқаяпмиз. Ҳар хил тўгараклар бор. Инглиз тилини ўрганаяпмиз, расм чизамиз, пластилиндан турли ўйинчоқлар ясаймиз. Эртак қаҳрамонлари ролига кириб, ўйинлар ўйнаймиз. «Олимпиадачилар орамизда» деб номланган спартакиада бўлиб ўтди. Шахматдан тўртинчи ўрин билан кифояланган бўлсам, футболда гуруҳимиз билан иккинчи ўринни олдик.

Оромгоҳ раҳбари Зулфия Абдураимова бизни «Маънавият ва маърифат» хонасига бошлади. Кириш жойида ҳар бир куннинг режаси илинган. Хонадаги шкафдан турли мавзудаги китоблар ўрин олган. Рангли қоғоз, пластилиндан ясалган буюмлар столга чиройли териб қўйилган.

— Ҳаммасини болаларнинг ўзлари ясашган. Яқинда расм чизиш бўйича мусобақа ўтказган эдик. Чизилган суратларни кўриб, ғолибни танлашда қийналдик. Истеъдодлар орамизда, «Келажак»да келажак эгалари дам олмоқда, дея кўнглимизда ғурур туйдик, — дейди опа фахр билан.

Бу ерда ҳам цирк артистлари турфа чиқишлар қилиб, дам олувчиларнинг кўнглини хушлади. Беғубор болаликнинг бахтиёр онларини хушманзара жойларда, табиат қўйнида ўтказаётган ўғил-қизлар даврасида биз ҳам ёшликка қайтгандек бўлдик.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири.
Муаллиф олган суратлар

ФАОЛЛАРИМИЗ

Ишонч инсонга қанот, куч-қувват бахш этади. Масъул вазифада хизмат қилаётган кишидан жамоатчилик асосидаги ишга бош-қош бўлишини сўраганида, кўпчилик унинг бу таклифдан кўнгли оғрийди, деб ўйлаганди...

Етакчи жонкуяр бўлса

Ниҳоят бир умр соҳа ривожи учун елиб-югурган шу инсонга сўз берилди.

— Мен учун касбнинг каттакичиги йўқ, — деди у. — Одамларга нафи тегадиган ҳар қандай вазифани бажариш мен учун катта шараф.

Анчадан бери қатъиятли етакчига эҳтиёж сезиб юрган жамоанинг елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди. Раҳмат Зулпонов ишни, аввало, кўргазмали воситалар, ташкилот аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчларини акс эттирувчи стендлар тайёрлашдан бошлади.

Касаба уюшма етакчиси нафақат ходим, балки унинг оила аъзоларига ҳам эътиборли бўлиши лозим. У ҳар бир хонадон кувончу ташвишига шерик бўлишга интилди. Самарқанд туман электр тармоқлари корхонаси ходими Ўлмас Шаропов хонадонида эгизак фарзандлар — уч ўғил туғилди. Набиралар кўрган бобонинг кувончига нафақат оиласи, жамоат ташкилоти ҳам шерик бўлди. Чақалоқларнинг ҳар бирига болалар аравачаси харид қилган бошланғич ташкилот раҳбари Шароповлар хонадонига етиб келди.

— Хонадонимизда нафақат отам, балки мен ҳам нурчилик касбини шарафлаб келаяпман, — дейди эгизаклар отаси Анвар Шаропов. — Ҳасан, Ҳусан, Тоир ҳозирда тўрт ёшни қаршилаяпти. Фарзандларимизни улғайтириш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашда касаба уюшмаси ёрдамини яқиндан ҳис қилиб турдик.

Тармоқда меҳнат қилаётган 2573 нафар ходим меҳнатини рағбатлантириш, уларга талаб даражасида меҳнат шароити яратишда маъмурият билан касаба уюшма қўмитаси ўртасидаги ҳамкорликнинг ўзига хос ўрни бор. Мана бир неча йилки, ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўнгилсизликларнинг олдини олиш, ходимларнинг касб маҳоратини ошириш юзасидан тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ўта эҳтиёткорликни талаб этадиган соҳа ишчилари учун ҳар ҳафталик ўқув, мутахассисларни жалб этган ҳолда ўтказиладиган тайёргарлик машғулотлари ўз самарасини бермоқда.

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимояси борасида қатъий назорат ўрнатилган. Тизимдаги барча масалалар маъмурият ва касаба уюшма ҳамкорлигида адолатли ечим топаётгани боис иш юритувдан норозилик ҳолатига дуч келингани йўқ. Ўтган фурсатда тизимда меҳнат қилаётган 352 нафар аёл, фахрийлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб келинмоқда. Касаба уюшмалари томонидан эса турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилаётир.

Сайру саёҳатни ким ҳам суймайди. Аммо бунга баъзан имкон, баъзида фурсат топилмайди. Шу боис касаба уюшмаси бу борада ходимлар учун шароит яратишга ҳаракат қилмоқда. Юртимиздаги тарихий шаҳарлар, табаррук қадамжоларга саёҳатлар ташкил этаяпти. Яқинда туманлар электр тармоқлари корхоналари ходимлари Бухорода икки кунлик сафарда бўлишди.

Касаба уюшмалари тизимида ўтказилган ислоҳот сабабли бошланғич ташкилотларга кенг имконият яратилди. Муайян миқдорда маблағ иқтисод қилинаяпти. Бу эса меҳнаткашларни дам олдириш, саломатлигини муҳофазалаш кўламини кенгайтириш имконини яратди. Амалдаги йилнинг ўтган даврида дам олишга борувчилар сони бир неча баробарга ошди. Шу чоққача мамлакатимиздаги сиҳатгоҳларда соҳа ходимларининг 42 нафари дам олдирилди. Соғломлаштиришга сарфланаётган маблағнинг муайян қисми иш берувчи томонидан қопланиши ходимларга катта мадад бўлмоқда. Шунингдек, ходимларнинг фарзандлари Ургут туманидаги «Золотинка» оромгоҳида дам олдирилаётир.

Ёшларни касбга йўналтириш, соҳага меҳр уйғотиш мақсадида тизимли ишлар ташкил этилмоқда. Бошланғич касаба уюшма ташкилоти корхонада амалиёт ўтаётган 6 нафар коллеж битирувчисига энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида ёрдам кўрсатди. Коллежни битириб, Пайариқ туман электр тармоқлари корхонасига ишга қабул қилинган Аббос Тоштемировга энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида кўмак берилди. Шунингдек, амалиёт ўтаётганларга махсус ўқув хоналари ташкил этилиб, соҳа билан яқиндан танишишлари учун етарли шароит яратилган.

— Касаба уюшмаларидаги такомиллашув бошланғич ташкилотлар фаолиятини жонлантириш, эркинроқ ишлашга имкон яратди, — дейди Самарқанд вилоят ҳудудий электр тармоқлари ОАЖ касаба уюшма ташкилоти раиси Раҳмат Зулпонов. — Тизимда амалга оширилган ўзгаришлар, меҳнаткашлар манфаатини кўзлаб қилинган янгиликларни барча ходимларга етказганмиз. Ходимларни соғломлаштиришнинг анъанавий усулларидан фойдаланиб келинмоқда. Чунончи, тармоқ корхоналари спорт майдончалари жиҳозлар билан таъминланиб, ходимлар ўртасида турли спорт мусобақалари ташкил этиб келинмоқда. «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида соҳа ходимлари ўртасида ўтказилаётган мини футбол ўйинларининг ҳудудлар бўйича босқичлари якунланаяпти.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

ОБОДЛИК МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

Республикамизда амалга ошириб келинаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг асосий мақсади барқарор ривожланаётган иқтисодиётга эга ҳуқуқий демократик давлат қуриш, олий қадрият ҳисобланган эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришдан иборатдир. Бу жараёнда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки муҳим ўрин тутади.

Нуфузли ва ишончли таянч

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланишида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муҳим аҳамият касб этади. Асосий қонунимизда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи, фуқаролик институтларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларига риоя қилиш кафолатлари, уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беришга оид тамойиллар мустаҳкамлаб қўйилган.

Маълумки, 14 февралда Президентимизнинг «Обод турмуш йили» Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Мазкур Давлат дастурида жорий йилда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, маънавий сиёсий ҳаётидаги муҳим йўналишлар қамраб олинган. Ўтган йиллар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бундай дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилиши муайян даврда бажарилиши белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш имконини беради. Буларнинг барчаси аҳолининг турмуш фаровонлигини янада оширишга, мамлакат тараққиётига хизмат қилади.

Маҳалла — халқ ишончини қозонган, аҳоли қўллаб-қувватлайдиган адолатли тизим бўлиб, юртимизда демократик жамият барпо этишнинг муҳим асосларидан ҳисобланади. Шу боис жорий йилги Давлат дастурида маҳалла институти ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, жойларда ижтимоий ва иқтисодий ривожланишга оид масалаларни ҳал этишда уларнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш, ёш ҳамда кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, маҳаллаларни ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштиришга оид муҳим комплекс чора-тадбирларни бажариш режалаштирилган.

Ўтган йиллар давомида, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиши натижасида маҳалланинг давлат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги мавқеи юксалди.

Ҳозирда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган фуқаролар йиғинлари илгари маҳаллий давлат ҳокимият органларининг алоҳида ҳуқуқлари ҳисобланган 30 дан ортиқ ваколатни бажармоқда. Маҳалла ўтган даврда аҳоли ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш марказига айланди. Унинг ўсиб келаётган ёш авлод маънавиятини юксалтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб қилиш, касаначиликни ривожлантириш, жойларда жамоатчилик назоратини ўрнатиш каби кенг қамровли фаолият юритаётгани мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти барпо этишда муҳим ўрин тутади.

Маълумки, давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси давлат ва нодавлат ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари фаол иштирокини тақозо этади. Шу маънода, маҳаллалар ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ижтимоий шериклик асосида фаолият юритиб келаётир.

Юртимизда ижтимоий шерикликни қарор топтиришда Президентимиз томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» асосида ишлаб чиқилган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Зеро, давлат билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш демократик тараққиёт талаби саналади.

Концепцияда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада кучайтириш бўйича таклифлар берилиб, маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозимлиги алоҳида қайд этилган. Концепция доирасида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун, энг аввало, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ролини оширишга қаратилган.

Бугун ҳаётнинг ўзи маҳаллани янада ривожлантиришни тақозо этмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, у жамият учун нуфузли ва ишончли таянч бўлиб хизмат қилиши керак. Маҳаллалар ёш авлодни баркамол инсон сифатида вояга етказиш, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, аҳоли бандлигини таъминлашда бошқарув органлари билан елкадош бўлиб фаолият юритиши талаб этилади. Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси мамлакатимизда том маънодаги кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш ва аҳолининг обод турмушига хизмат қилади.

Лола ШОМУРАТОВА,
Тошкент шаҳар прокуроринг катта ёрдамчиси

САЁҲАТ

Фахрийларга ғамхўрлик

Андижон вилоят электр тармоқлари ҳудудий корхонаси, «Андижон почтаси» ОАЖ ва «ЎзСиюнгКо» қўшма корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан 47 нафар меҳнат фахрийси Тошкент-Самарқанд-Бухоро йўналиши бўйича саёҳатда бўлиб қайтди.

Улар юртимизнинг тарихий шаҳарлари бўйлаб сайрдан бемисл маънавий озуқа олишганини эътироф этишди. Саёҳат Андижон шаҳридаги «Зиёҳамкортранс» транспорт уюшмаси жамоаси томонидан амалга оширилди.

А.ЮНУСОВ

ТАҚДИР СЎҚМОҚЛАРИ

Дўстлардан у ҳақда эшитганимда, полковник Сорахон Аҳмедова деганлари негадир эркакшода, гавдали, важоҳатли аёл бўлса керак, деб ўйлагандим. Шоира Шарифа Салимова билан илк бор унинг уйига бориб, тасаввуримнинг аксини кўриб, лол бўлиб қолганим рост. Сорахон Аҳмедова деганимиз ўрта бўйли, келишган, қош-кўзлари ўтдек, ранги тоза ҳақиқий Қўқон дилбари экан. Чеҳрасида кибрдан асар йўқ. Ўтган умри, маъюс ва масъуд кунларини рўй-рост сўзлайди. Ҳаётида, қалбида ўчмас из қолдирган Шаҳринисо аммасини меҳр ила эслайди.

Сорахоним

Ўша куни «Ўксик диллар фарёди» номли китобчасини совға қилди. Ўқирканман, уни режиссёр Зулфиқор Мусоқов ҳам ўқиши керак экан, деб ўйладим. Менимча, З. Мусоқов албатта бундай қизиқарли ва таъсирли сюжетни қўлдан чиқармаган бўларди.

Қаранг-а, шундай лобар, қувноқ аёлнинг шунча ҳасрати бўлса... Унинг мунгли ўтмиши, кечирган алам-ситамлари кўнгил уйимни алғов-далғов қилиб юборганди. Шу-шу Сорахонимни айрича яхши кўраман, унинг чеҳрасида ҳамиша қувонч ва бахт ҳисларини кўргим келади.

Инсон бугуни билан яшайди, эртага нима бўлишини Парвардигордан ўзга ҳеч ким билмайди. Аммо хотиралар тарк этмайди. Кўзларини юмса бас, Сорахон етимхона, ундаги соғинч ва армонларини яширишга мажбур болаларни, аммажонини, отасини кўради.

...У билан сингиллари онадан жуда эрта қолишди. Отаси яхши одам эди, бироқ қайта уйлангач, тамоман ўзгарди. Натижада, болалар ўз уйларига сиғмай қолишди. Кунларнинг бирида отаси уни эргаштириб, Қўқон шаҳрида жойлашган Болалар уйига олиб борди.

— Зарур ҳужжатларни тайёрлаб бўлганимдан сўнг шу ерга келиб яшайсизлар.

— Нега, дадажон, ахир бизнинг ўз уйимиз бор-ку?!

— Шундай бўлгани дуруст, тайинли жой, еб-ичиш, ўқиш ҳаммаси вақтида, — деди ота.

Сорахон ноилож жим қолди, исён кўтариб, тўполон қилиш учун ҳали у жуда кичиклик қиларди.

О, ўша тонгни унутиб бўлармиди... Бир кун олдин ўгай она қизалоқларга ўзгача лутф кўрсатди. Кечки овқат ҳар кунги одатга хилоф уйнинг ичкарисида гўё «бахтли оила» даврасида тановул қилинди. Ваҳоланки, бунгача қизларнинг ухлайдиган ва овқатланадиган жойи ҳовлидаги сўри бўлиб қолган, ичкарига кириш тақиқланганди. Кўзлари ожиз бўлиб қолган Шаҳринисо аммагина болаларга ачинар, жиянларининг аҳволи қалбига чексиз ҳасрат соларди.

— Болам,— деди бир куни ўғлига. — Мени тоғангникига олиб бориб қўйсанг. Қиз бола заифа бўлади, шўрлик етимчалар ҳайҳотдек ҳовлида ўзлари ётишади. Ҳали улар норасида бўлса, қоронғи тунларда баногаҳ қўрқиб-нетиб ўтиришмасин, ёнларида бўлай.

— Ўзингиз бундай аҳволда бўлсангиз?..

— Майли, болам, обориб қўявер, бир гап бўлар.

Аммажонни (улар уни шундай деб аташарди) кўриб қизлар оналари тирилиб келгандек, суюниб қолишди. Бироқ қувончлари узоққа чўзилмади. Етимхонага кетишдан бир кун олдин аммажон Сорахонга деди:

— Қизим, сингилларингга нисбатан сен каттароқсан. Худога шукур, ақлҳушинг жойида. Ўзингни, уларни жуда эҳтиёт қилгин. Яхши ўқинглар, насиб бўлса бу кунлар ҳам ўтар-кетар, улғайиб, зўр инсон бўлинглар, мен дуои жонларингни қилиб ўтирай. Икки қулоғингга қуйиб ол, бизнинг авлоддан ёмонотлиқ бўлган аёл чиққан эмас. Болагинам, ор-номусни асраш муқаддас бурч, буни сира унутма!

Отасининг оёқ товуши эшитилди.

— Майли, кейин гаплашамиз, — деди аммажон. — Кимдир келяпти.

Ота сўрига яқинлашиб, қўлидаги ҳужжатлар солинган папкани Сорахонга узатди ва:

— Эрталаб барвақт ишга кетаман. У ерга ўзларинг бораверасизлар, сизларни қабул қилишади, барча ҳужжатлар тахт. Йўлда эҳтиёт бўлинглар, — деди ва бироз тин олгач, гапида давом этди. — Ўзим хабар олиб тураман, ўзларингча болалар уйидан чиқа кўрманглар!

Қизалоқларни ўкситган тонг барибир отди. Ота аллақачон ишга кетган бўлиб, аммажон тунд қиёфада ўтирар, дилига чироқ ёқса ёришмасди. О, нонушта зўр бўлди. Ўгай она қизлардан қаймоқни ҳам аямади. Нонуштадан кейин ҳатто чиройли ёғоч тароғини бериб турди.

Эътибор ва рағбат — эзгуликка қанот

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов сўзга чиқиб, ОАВ ходимларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Шу билан бирга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг қалам аҳлини қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият бераётганини эътироф этди.

«ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ» РЕСПУБЛИКА АНЪАНАВИЙ ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ

БОСМА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА:

1- ўрин — **Елена НАМ**, «Правда Востока» газетаси мухбири.

2- ўрин — **Зоҳир Тўрақулов**, «Адолат» газетасининг Самарқанд вилояти бўйича мухбири.

3- ўрин — **Дилдора Раҳмонова**, «Ishonch» газетасининг Наманган вилояти бўйича мухбири.

ЭЛЕКТРОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА:

1-ўрин — **Абдурозиқ Ҳалимов**, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали «Ахборот» информацион дастурлар бош муҳарририяти репортёрлар гуруҳининг ўз мухбир-репортёри.

2-ўрин — **Ойбек Шомуродов**, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ёшлар» телерадиоканали ЁАЖ «Давр» ахборот дастурлари муҳарририяти масъул муҳаррири.

3-ўрин — **Жасур Шерматов**, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари Миллий Ассоциацияси Ахборот маркази лойиҳаси раҳбари.

Иккала йўналиш бўйича 3 тадан рағбатлантирувчи мукофот:

1. **Назокат Усмонова**, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎзА) мухбири.
2. **Баҳодир Абдураҳмон ўғли**, «Гулистон янгиликлари» ва «Гулистанские новости» газеталари бош муҳаррири ўринбосари.
3. **Гулнора Жугинисоева**, «Эркин Қорақалпоғистон» газетаси махсус мухбири
4. **Муҳаммаднозим Мавлонов**, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телеканали «Ахборот» информацион дастурлар бош муҳарририяти катта муҳаррири.
5. **Лобар Аббосова**, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Спорт» телерадиоканалининг «Машъал» радиоси катта муҳаррири.
6. **Феруза Алиқулова**, «Келажак овози» газетаси ва «Дарё» расмий интернет нашри мухбири.

Амина ҚОДИРОВА,
«Ishonch» мухбири

МАТБААЧИЛАР

Газета-журналларнинг ўқувчи қўлига етиб боришида нафақат таҳририят ходимлари, балки нашрнинг сифатли чоп этилишини таъминловчи матбаа ходимларининг ҳам ҳиссаси катта. Соҳа ходимларининг меҳнатини ёритиш мақсадида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида бўлганимизда, газеталарни чоп этиш цехи бош устаси Мансур Абдуназаровга рўбарў қилишди.

Ўз касбининг фидойиси

— Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида туғилганман. Ўртабўз қишлоғидаги 28-умумтаълим мактабини тамомлаб, Усмон Носир номли Тошкент Матбаа техникуми (ҳозирги Тошкент Матбаа ноширлик касб-ҳунар коллежи)га чоп этиш ишлари йўналиши бўйича ўқишга кирдим, — дейди М.Абдуназаров. — Бу ерни битириб, «Шарқ» НМАКнинг газеталар чоп этиш цехида чоп этувчи бўлиб иш бошладим. Бу ерда ўз касбининг устаси, устозим Иброҳим Эргашев қўл остида касб сирларини ўргандим. Соҳа ичига кирганим сайин қизиқишим янада ошди.

Суҳбат асносида қаҳрамонимиз устози маслаҳати билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида матбаачилик йўналишида таҳсил олганини ҳам билиб олдик. 2003 йилда «Шарқ» НМАК томонидан уй билан таъминланди. Шу билан бирга, у 2008-2011 йилларда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент Матбаа ноширлик касб-ҳунар коллежида мутахассислик фанлари бўйича дарс берди. Бу орада ўзи таҳсил олган институтнинг рақамли ва махсус босма йўналиши бўйича магистратурасини тамомлади.

— Ўн олти йиллик фаолиятим шу нашриёт билан чамбарчас боғлиқ. Ўта масъулиятли ишда жамоанинг ишончини оқлашга ҳаракат қилиб келаяпман. Шу билан бирга, ўз касбимнинг устаси эканлигимдан бахтиёрман, — дейди у фахр билан. — Истиқлол йилларида соҳада катта ўзгаришлар бўлди. Янги ускуналар, замонавий компютер технологиялари кириб келиши қўл меҳнатини камайтирди. Бу газеталарнинг ўзгача қиёфада, рангли қилиб босилишини таъминлаяпти.

Тажрибали мутахассиснинг иш жараёнини кузатамиз. У ҳар бир ишлаб турган машина ёнига бориб, чиқаётган газетани синчиклаб текширади. Қаерида камчилик бўлса, усталарга кўрсатади. Яхши бўлса, уларнинг кўнглини кўтариб мақтаб қўяди.

— Орзуларим бисёр, — дейди М.Абдуназаров. — Матбаачилик соҳасида кўплаб шогирдлар етиштиришни мақсад қилганман. Ҳозирда икки нафар шогирдим бор. Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамкасбларимни касб байрамимиз билан табриклайман.

Нигина РАҲИМОВА

ТАКЛИФ

Деворий нашрлар — қулай кўмакчи

Кундалик ҳаётимизни радио, телевидение ва матбуот каби оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур этиш қийин. Негаки, тезкор XXI асрда турли соҳаларда қўлга киритилаётган ютуқлар ҳамда дунё воқеалари уларда ўз аксини топади.

Касб-ҳунар коллежи ички матбуоти — деворий нашрлар ҳам ўқувчи-ёшларнинг маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб етишиши, касб-ҳунар эгаллаши ва ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб топишида яқин кўмакчи воситасини ўтайди. Ушбу нашрларнинг ҳар жиҳатдан кўркам, таъсирчан, ўқимишли ва безакли қилиб чиқарилиши йигит-қизларнинг диққат-эътиборини тортмай қолмайди. Дастлабки кўникма ҳам шу тариқа шаклланади, албатта.

Одатда ўқувчининг касб-ҳунар эгаллаши, мақсад ва интилиши ҳамда қизиқишларига қараб газетага ном танланади. Ўқув даргоҳимизда «Камолот», «Келажак овози», «Ёш автотранспортчи», «Шунқорлар» каби номларда мунтазам чиқадиган деворий газеталар мавжуд. Коллеж ҳаёти, ўтказилаётган турли тадбирлар ва эришилаётган ютуқлар ҳақида хат-хабарлар деворий нашр мундарижасини бойитиб, таъсирчанлигини оширмоқда.

Яқинда ўқувчиларимиздан Темур Холбўтаев «Рационализаторлик таклифи ҳақида», Дадажон Орипов «Миллий бизнес ғояси» мавзулари бўйича «Келажак овози» республика кўрик-танловига қатнашиш ҳуқуқига эга бўлишди. Орзуқул Мелибоев эса вилоят коллежлари ўртасида ўтказилган «Касб маҳорати» танловида биринчиликни эгаллади. Жорий ўқув йилида ўқувчи-ёшлардан Ёқутхон Холбекова енгил атлетика бўйича Осиё, Эмина Шмикова эса Ўзбекистон чемпиони деган шарафли номни олишга эришди. Биз деворий нашрларимизда ана шулар ҳақида кенг ёритиб боришга ҳаракат қилдик.

2012-2013 ўқув йилида коллеж касаба уюшма қўмитаси ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, касб маҳорати бўйича тадбирлар ўтказиш, уларнинг маданий дам олиши, жисмоний тарбия ва спорт мусобақалари уюштиришда фаол иштирокини таъминлашда етакчилик қилиб келди. Соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш, интеллектуал ҳамда маънавий жиҳатдан етук жамоани шакллантириш, ҳар томонлама билимдон ва изланувчан ёшлар сафини кенгайтиришда деворий нашрларимизнинг роли ошиб бораётгани ҳам шу боис. Зеро, деворий нашрлар коллежимиз кўзгусидир.

Ҳар йили Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни олдидан барча касб-ҳунар ўқув даргоҳларида ҳам деворий нашрларнинг кўрик-танловлари ўтказилса, ғолиблар муносиб рағбатлантирилса кўнгилдагидек иш бўларди.

Наргиза АБДУРАҲМОНОВА,
Жиззах шаҳар транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежи директори ўринбосари

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Васила Пўлатовани пойтахтдаги деярли барча нашриётларда яхши танишади. Гоҳ ўзи учун ардоқли «Гулхан» журналининг иши билан, гоҳида ёрдамга муҳтож бўлиб қолган жамоадошлари учун елиб югурадиган бу ширинсўз ва меҳрибон аёлни барча бирдек яхши кўради. Ёшу қари билан тезда тил топишиб кетадиган Васила опа уддабуронлиги, тиришқоқлиги, ишбилармонлиги билан жамоаси ва ҳамкасблари орасида ўз ўрнига эга.

Яхшилик истаб

Васила Пўлатова 1972 йилда «Гулхан» журналига ишга келиб, устоз Ғайратий домланинг оқ фотиҳасини олган. Қирқ йилдан бери журналнинг ҳар бир сони мазмунли чиқишида ўз ҳиссасини қўшиб келаётир. Йиллар ўтгани сайин ўз иқтидорини кашф этиб, Н.Красильников, Леонардо да Винчи, София Назарова асарларини ўзбек тилига ўгирди.

Одамларнинг бошини қовуштириш, бирор-бир тадбирни ташкил қилиш оғир иш. Бу савобли ишни эплаган, уддасидан чиққанларнинг этагини тутувчилар ҳам кўп бўлади. Журналхонлар билан турли учрашувлар ўтказиш, тадбирлар уюштириш, ёш авлоднинг фикр-мулоҳазаларини ўрганишда ишчи-ходимларни рағбатлантириш, маънавий соғлом муҳит учун жон куйдиради.

Самарали меҳнати, ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашда қўшган ҳиссаси учун Президентимиз фармони билан «Шуҳрат» медали, Васила опага тенг келадигани йўқ. У салкам 20 йилдан бери касаба уюшма ташкилоти раиси сифатида фаолият олиб бораётир. Етакчи сифатида ҳар бир аъзонинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоячиси бўлган опахон «Халқ таълими аълочиси», «Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги» нишонлари билан тақдирланган. Васила Пўлатова бугун ҳам одамларнинг кўнглига йўл топиб, уларнинг оғирини енгил қилиш пайида.

Ишни чин юракдан севган опахон ўзгалар дарди билан яшайди. Балки шунинг учунми, бу юмушлар унга оғирлик қилмайди. Аксинча, кимнингдир мушкулини осон қилса, кимдир унинг кўмагида ҳаётда ўз ўрнини, тўғри йўлини топса, чеккан барча заҳматлари унга роҳат бўлиб қайтишига ишонади.

Саида ЭШМЎМИНОВА

ЭЪТИРОФ

Тиниб-тинчимас ижодкор, меҳнат фахрийси Муҳаммаджон Маҳмудовни марғилонликлар «Янгиликлар жарчиси» деб қадрлашади. Марғилон шаҳри ва қўшни туманлардаги корхоналар, ўқув юртлари, фермер хўжаликлари, маҳаллаларни велосипедда кезиб, пиёда юриб хушхабарлар, янгиликлар ахтаради, кўпчиликка етказишга интилади. Муҳаммаджон Маҳмудов кўп йиллардан буён «Нуроний», «Ishonch», «Хабар», «Тонг юлдузи», «Ҳуқуқ», «Ватанпарвар» таҳририятлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Шу боис ҳам унинг меҳнат аҳли, зиёлилилар, ишбилармон ва талбиркорлар, нуроний отахону онахонларимиз ҳаётидан тайёрланган мақола, очерк ва тезкор ахборотлари кириб бормаган хонадон йўқ.

Янгиликлар жарчиси

Ижодкор изланишлари ҳосиласи материалларни ўқиб, Муҳаммаджон ака уларни тўплаш, ёзиш ва таҳририятларга етказишга қачон улгурар экан, деб ажабланасан киши. Жамоа ишларида фаол иштирок этиб келаётган Муҳаммаджон ота айни кунларда 75 ёшни қарши олаётир. Унинг таржимаи ҳоли қисқа ва мазмунлидир. У Фарғона педагогика олийгоҳи (ҳозирги Фарғона Давлат университети) филология факултетини битириб, шаҳар ижроия қўмитаси умумий, ташкилий бўлимларида меҳнат қилди. Меҳнатсеварлиги ва фидойилигини инобатга олган ҳолда шаҳар раҳбарияти уни аҳолини ишга жойлаштириш бўлими мудири вазифасига ўтказди. Серғайрат йигит шаҳардаги саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотларидаги бўш иш ўринлари ҳолати билан яқиндан танишди. Маҳаллаларда мутахассислар иштирокида ҳар бир фуқаро билан суҳбатлар ўтказди. Шу тариқа қисқа муддат ичида қўшимча равишда уч мингга яқин фуқаро ишга жойлашди.

Ташаббускорлиги, ғайрат-шижоати туфайли у раҳбарлик қилаётган бўлим вилоятда, республикада совринли ўринларга лойиқ топилиб, фахрий ёрлиқлар, дипломлар билан тақдирланди.

Бўлимнинг аҳолини ишга жойлаштириш борасидаги ютуқлари ҳисобга олиниб, «Марғилон шаҳар аҳолини ишга жойлаштириш бўлими тажрибаси» мавзуида республика семинар-кенгаши ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардаги шаҳар ва туманлар ижроия қўмиталари раислари иштирок этиб, бўлим иши билан яқиндан танишдилар.

40 йилдан ортиқ турли масъулиятли лавозимларда меҳнат қилиб, бугун қарилик ғаштини сураётган М.Маҳмудов «Йўрмадўз» маҳалла фуқаролар йиғини «Нуроний» жамоатчилик маркази раиси вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда. Шаҳар «Нуроний» жамғармаси Фарғона вилоят бўлими томонидан 2009 йилда ўтказилган «Кексалик — бекорчилик эмас» кўрик-танловида иштирок этиб, диплом билан тақдирланиши ҳам ўзига хос эътироф бўлди.

М.Маҳмудов уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган фахрийларнинг бугунги ҳаёти, ёшларнинг ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялашга доир мақола, лавҳа ва хабарлари билан фаол қатнашганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан таъсис этилган «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига йигирма йил» эсдалик нишони билан мукофотланган. Унинг меҳнатлари кўп марта фахрий ёрлиқлар, дипломлар, эсдалик совғалари билан тақдирланган.

Муҳаммаджон ота икки ўғил ва уч қиз, саккиз набира ардоғида орзу-умидлар оғушида умргузаронлик қилиб келмоқда.

Мурувватхон НОРМАМАТОВА

Полковник С. Аҳмедова портретига чизгилар

— Хужжатларни йўқотиб қўйманглар, тўғри директор қабулига киринглар, дадам иш билан кела олмадилар, деб айтинглар. Энди сизларнинг уйингиз ўша ерда.

Ўгай она тез-тез шахд билан гапирарди.

— Мактабни битиргунларингча, бу ёққа келишни хаёлларингга ҳам келтирманглар! Кўргиси келса, отангизнинг ўзи боради. Қани, тезроқ бўлинглар, кеч қоласизлар!

— Якшанбада, байрамларда уйларига келишмайдими? — деди аммажон овози титраб.

— Келишмайди, хаёлни бўлишдан нима фойда, бир жойга кўникканлари маъқул.

Хайрлашиб, ташқарига чиққанларида яна ўгай она таҳдид қилди.

— Дадамизга яхши бўлсин десанглар, бу уйга бошқа қадам босманглар! Энди уйинглар ўша ер!

Опа-сингил дарвозадан чиқиб, беш-ўн қадам босган ҳам эдики, орқадан эшитилган тап-тап овозидан хушёр тортиб беихтиёр ўгирилиб қарашди. Буни қарангки, ўгай она этагидаги тошларни нималардир деб пичирлаб, уларнинг ортидан аста отарди. Бунинг маъносини тушунган Сорахоннинг кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди. У ортга бир қадам тисланди.

— Тош отиб овора бўлманг, энди ҳеч қачон бу ерга қайтиб келмаймиз, ялинсангиз ҳам! — деди.

Ўз уйларидан қувилган қизалоқлар йиғиси юракларни ларзага соларди.

«Мен бу китобни нега ёздим?», дейди Сорахоним сўз аввалида.

— Мақсадим бирорта ота-она ўз фарзандини шафқатсиз тақдир уммонига ташлаб қўймасин, уларни меҳрга зор этмасин. Яна шуни истайманки, Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болакайлар ушбу китобни ўқиб, ўзларига ишончи ортсин. Бизлар сингари ўзларида куч ва имконият борлигини ҳис этсинлар, ёрқин келажакка дадил ишонч билан боқсинлар. Билсинларки, улар ҳеч кимдан кам эмас, истасалар, ҳаракат қилсалар, эртанги кун албатта уларники».

Сорахон ҳақ, улар ахир, ҳаммасини бошдан кечирдилар-ку... Ҳар якшанба отамиз келармикин, деган илинжда йўлга интизор қарашарди. Аммо йўқловчи бўлмади. Ҳар нарсанинг чек-чегараси бор, ҳатто сабрнинг ҳам... Ниҳоят умидлари узилди. Байрамлар ва якшанбаларни беҳад ёмон кўришар, чунки улар дил ярасини тимдаларди.

Кунларнинг бирида дарс пайти кимдир эшикдан бошини суқиб:

— Аҳмедоваларни сўраб келишибди, — деди.

— Ким экан? — деди дарси бўлинганидан энсаси қотган муаллима. — Якшанба куни келса бўлмайдими.

— Билмадим, «отасиман», деди.

Муаллима бироз ўйга толди-да, кўнглига недир келди шекилли Сорахонга қараб «чиқ» дегандек ишора қилди.

Унинг юраги ҳаприқиб кетди. Бу пайт синглиси ҳам йўлакда қувонганидан ўзини қўярга жой тополмай турарди. Бироқ Сорахоннинг оёқлари отаси турган жойга тортмасди.

— Ахир, кутиб турибдилар-ку?!

Ота узоқ кутди, сўнг эса бошини қуйи эгганча, дарвозадан узоқлашди. Қизлар юм-юм йиғлаганча, унинг қораси кўринмай кетгунга қадар яширинган жойларидан қараб туришди. Сорахон 8-синфни битирганидан сўнг бошқа етимхонада тарбияланаётган кичик синглисини ҳам қидириб топди...

Орадан йиллар ўтди. Тун абадий эмас, тонг отиши муқаррар. Сорахоним ва сингилларини ўкинч пўлатдек тоблади. Оёққа туриб олиш учун астойдил ҳаракат қилдилар. Қунт билан ўқидилар, билмаганларини ўргандилар. Мақсад сари дадил интилавердилар. Оғир ҳаёт синовлари-да ортга чекинди.

Фарғонада ишлаб юрган кезлари эди. Пастда хизмат машинаси кутиб турарди. Сорахон тезгина иш либосини кийиб, ташқарига йўналди.

— Ие, дадаси, ана қизимиз Сорахоннинг ўзи бизга пешвоз чиқяпти, — деган таниш овоз дарҳол эътиборини тортди.

Шундагина дўппи кийиб, ҳасса тутиб олган кўзлари ожиз чолни суяб, зинапоядан чиқиб келаётган аёлни таниди. «Наҳотки, улар!..».

Ўн тўққиз йилдан сўнг отаси билан бундай учрашаман, деб ўйламаганди. Томирдаги қон гупириб кетди.

— Дада, дадажон, сизга нима бўлди?! — деди беихтиёр.

Отанинг ҳасса тутган қўллари титрар, нима дейишини билмас, кўз ёшлари ажин босган юзини юварди. Унинг бор вужуди қалтираб қизини бағрига босди ва ўксиб-ўксиб йиғлаб юборди.

— Мен гумроҳни кечира олсанг, кечир, болам!

— Отангизни тезда операция қилдириш керак эмиш, сиз катта одамсиз, балки... — деб ғўлдиради ўгай она.

— Майли, сиз бораверинг, — деди Сорахон ўпкаси тўлиб. — Дадамга ўзимиз қараймиз.

— Ўшанда болалар уйига топширмаганимизда, бундай мартабалар қаерда эди, — деди аёл писанда қилиб.

Сорахоним зўрға ўзини босди.

Қизларининг саъй-ҳаракати билан ота шифо топди ва бир пайтлари ўзи кечган фарзандлари дийдорини яна кўрди. Унинг дилини алам, армон кемирар, афсуски, ўтган умрни қайтариб бўлмасди.

Ҳали айтганимиздек, Сорахоним ва сингилларини ҳаёт синовлари обдон тоблади. Умр бекатларида суянса бўладиган ажойиб инсонлар учради. Улар отаси қилмаган яхшиликларни қилишди. Сорахоним ўттиз йил давомида Қува туман ички ишлар бўлимида, Фарғона вилоят ички ишлар бошқармасида, Тошкент шаҳар ички ишлар олий мактаби ва Ички ишлар вазирлиги Академиясида турли раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатди. У элликдан зиёд илмий мақолалар, рисолалар, монографиялар, ўқув қўлланмалари, дарсликлар муаллифи, юридик фанлар номзоди, профессор. Бундан ташқари, маълум бир муддат Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сифатида ҳам кенг фаолият юритди. Шаҳринисо аммажони яшаган Айритом қишлоғи аҳли ҳожатбарор Сорахондан ҳали-ҳануз миннатдор.

Сингиллари Лайло тилшунос олима, Зулфия эса милиция майори. Опа-сингиллар инсоний фазилатлари боис эл ўртасида қадр топишди. Шахсий ҳаётда ҳам улар бировдан кам эмас. Севиб-севилиб оила қуришди. Бир-биридан ширин ўғил-қизлар, набиралар кўришди. Тўйлар қилишди.

Сорахонимга ҳурматимиз ва меҳримиз боис унинг ўтган умрига бир кўр назар солдик. У ҳақда айтилажак ва ёзилажак гапларнинг ҳали адоғи йўқ..

Шарофат НОРҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2013-yil 27-iyun № 77 (3270)

Ҳаммаси талаб даражасида

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

— Шифобахш сув ва даволовчи омиллар асаб тизими, юрак, қон-томир, гинекологик ва урологик касалликлар билан оғриган беморлар учун ажойиб даволаш омилларидан ҳисобланади, — дейди «Бўстон санаторийси» МЧЖ раҳбари Фарида Акбарова. — Дам олувчиларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун санаторий ҳудудида кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, болалар майдончаси ва сунъий кўл яратилди. Куни кеча 10 ўринга мўлжалланган коттежни капитал реконструкция қилишни якунладик. Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги байрами арафасида шаршара ва амфитеатрни қуриб битказиш, марказий йўлакни таъмирлашни ният қилганмиз.

Санаторийда тиббий туризмни йўлга қўйиш ва ривожлантириш, мазкур масканга хорижий мамлакатлар фуқароларини жалб этиш, тиббий хизматнинг янги усулларини жорий этиш чора-тадбирлари ЎзКУФК қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси билан ҳамкорликда амалга оширилаётир. Чунончи, Исроил тиббий косметологик компаниясининг етакчи мутахассислари томонидан ўтказилган маҳорат дарслари ҳам бунинг ёрқин намунаси бўлди.

Дарсларда «Оқтош», «Ботаника», «Чинобод», «Умид гулшани», «Турон» санаторийлари ҳамширалари, косметолог ва массажчилари иштирок этишди.

Тингловчиларга врач-косметолог, «BREEZE» савдо белгиси асосчиси Наталя Корзун ҳамда косметолог-консультант София Асликян томонидан амалий ва назарий билимлар берилди. Машғулотлар сўнгида ҳамшираларга сертификатлар топширилди. Муҳими, бундан кейин санаторийда денгиз маҳсулотларидан тайёрланган тиббий косметологик препаратлардан фойдаланиладиган бўлди.

— Бу масканда биринчи марта дам олаяпман, — дейди Фотима Солиева. — Дам олувчиларга яратилган шароит ва қулайлик менга жуда маъқул. Айниқса, яқинда иш бошлаган SPA салони ва косметолог муолажаларининг юзимдаги доғларни кетказишдаги фойдаси катта бўлди. Икки-уч муолажадан сўнг ҳуснимга ҳусн қўшилди, бундан ниҳоятда хурсандман.

Айтиш жоизки, 220 ўринли санаторий ҳамиша гавжум. Бу ерда юртдошларимиздан ташқари Россия, Қозоғистон, Корея фуқаролари ҳам ҳордиқ чиқаришмоқда. Бу эса нафақат «Бўстон санаторийси»да, балки касаба уюшмалари тизимидаги барча санаторийларда моддий-техник базани мустаҳкамлаш асосида тиббий хизмат кўрсатиш сифати йилдан-йилга юксалаётгани самарасидир.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

ВЕЛОСПОРТ

Фарғонада велошоссе бўйича Ўзбекистон чемпионати ниҳоясига етди.

Тепкиларни тезроқ айлантир!

Катталар ўртасидаги 40 км.лик пойгада Осиё чемпиони Муроджон Холмуродов (Тошкент вилояти) ғолиб бўлди. Пойтахтлик Владимир Тўйчиев иккинчи, наманганлик Абдулла Акбаров учинчи ўринни эгаллади.

23 ёшгача бўлган спортчилар ўртасидаги пойгада 40 км. масофани даставвал Тошкент вилояти вакили Глеб Горбачев босиб ўтди. Унинг жамоадоши Ҳусниддин Ҳакимов иккинчи, пойтахтлик Руслан Фёдоров учинчи натижани қайд этди.

165 км. масофага ўтказилган гуруҳ пойгаларида яна Муроджон Холмуродов маррага биринчи келди. Унинг жамоадоши Юсуф Абреков кумуш медални қўлга киритган бўлса, Абдулла Акбаров бронза медалга сазовор бўлди.

23 ёшгача бўлган спортчилар ўртасида 165 км. масофа Руслан Фёдоров, Роман Дронин (Тошкент шаҳри), Владислав Галянов (Наманган) томонидан олдинма-кетин босиб ўтилди.

Хотин-қизлар ўртасида 20 км. масофа мусобақасида пойтахтлик Олга Дробишева Ўзбекистон чемпиони бўлди. Алла Безуглова, Светлана Исаева кейинги ўринларни банд этди.

БАДИИЙ ГИМНАСТИКА

Пойтахтимизда бадиий гимнастика бўйича анъанавий «Кичкинтой» халқаро болалар турнири бўлиб ўтди.

Гўзаллик баҳси

Мусобақа «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда уюштирилди.

Унда 350 дан зиёд гимнастикачи қиз яккалик, жуфтлик, учлик, тўртлик ва гуруҳ баҳсларида ўз маҳоратини намойиш этди. Яккаликлар баҳсида пойтахтлик Зулфия Исроилова, Аделина Омарова, Ойша Бобоматова, Валерия Шумилина, Тошкент вилоятидан Моҳина Абдухалилова, бухоролик Мадина Ширинова, навоийлик Меҳрибону Шоназарова, сирдарёлик Гулсанам Мусурмонқулова, самарқандлик Динора Сатторова, қашқадарёлик Севинч Чориева каби гимнастикачи қизлар ғолиб бўлди.

Гимнастика байрами иштирокчилари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

ОҒИР АТЛЕТИКА

Оғир атлетика бўйича 2011 йил Париж (Франция)да ўтказилган жаҳон чемпионатининг кумуш медал совриндори ҳамюртимиз Руслан Нуриддинов Остона шаҳри (Қозоғистон) мезбонлик қилган Осиё чемпионатида вазни 105 кг. гача бўлган спортчилар мусобақасида энг юқори натижани қайд этиб, терма жамоамиз ҳисобига бир йўла учта олтин медал келтирди.

Икки курашда — 420 кг!

Тажрибали спортчимиз даст кўтаришда 190 кг., силтаб кўтариш мусобақасида эса 230 кг. тошни ўзига бўйсундириб, иккикураш якунларига кўра ҳам энг юқори — 420 кг. натижани қайд этди.

Бунгача ҳамюртимиз Марина Сисоева хотин-қизлар ўртасида бронза медални қўлга киритган эди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

КЎРИК-ТАНЛОВ

Истеъдодлар сараланди

Нукус шаҳридаги «Ешчан бахши» мусиқа мактабида «Саньатим сенга, обод юртим!» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Бешта шарт бўйича иштирок этган истеъдодларнинг чиқишлари томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди.

Тадбир якунида ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, анъанавий ижрочиликда Қонликўл тумани тез ёрдам маскани ҳамшираси Зевар Тлеуова, эстрадада Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги тасарруфидаги 16-умумтаълим мактабининг математика ўқитувчиси Акшагул Баятанова, якка рақс ижрочилигида Кегейли туманидаги 19-умумтаълим мактаб ҳамшираси Шахзода Рамбергенова, жамоавий рақс ижрочилигида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги тасарруфидаги 16-умумтаълим мактабининг ўқитувчиларидан иборат «Арулар» ҳаваскорлар дастаси биринчиликни қўлга киритишди.

Ғолиблар қимматбаҳо совға ва дипломлар билан тақдирланиш билан бирга республика босқичига йўлланмани ҳам қўлга киритишди.

М. ҚАБУЛОВА,
Нукус шаҳар
Шимоли Ғарбий Ҳарбий Округ касаба уюшма кўмитаси раиси

Хоразм вилоятида энг улуғ, энг азиз байрамимизни муносиб нишонлашга қаратилган тадбирлар бошлаб юборилди. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан воҳага бир гуруҳ шоир, ёзувчи, адабиётшуносларнинг ташриф буюриши адабиётга чанқоқ хоразмликларни хурсанд қилди.

Адабиёт байрами

Хонқа, Янгибозор, Хива туманларида бўлиб ўтган тадбирлардан сўнг ижод аҳли Урганчдаги Маънавият ва тарғибот марказининг муҳташам залига таклиф қилинди. Тадбирларни Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Хоразм вилоят бўлими раиси Гавҳаржон Ибодуллаева олиб борди. Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон, шоир ва драматург Эркин Самандар ва адабиётшунос олимлар ўз сўзларида ёшларни истиқлол ва осуда кунларни қадрлашга чораладилар. Вилоят ҳокими ёрдамчиси Комилжон Жуманиёзов воҳадаги бунёдкорликлар, истиқлолнинг 22 йиллигини кутиб олиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталиб, Ватанни, инсонийликни мадҳ қилувчи шеърларидан ўқиб берди.

М.ТЎРАБОЕВА

МИННАТДОРЛИК

Одамнинг юраги муштдек бўлади, дейишади. Лекин шу юрак тананинг энг мураккаб ва нозик аъзоси бўлиб, буни, айниқса, у парваришга, муолажага муҳтож бўлиб қолганда теран ҳис қилади. Бугунги тиббиёт кўп мўъжизаларга қодир. Хусусан, юрак хирургияси соҳасида юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли изланишлар қанчалан-қанча беморларнинг «қайта туғилиш»ига сабаб бўлаётир.

Ҳаёт қадри

Академик В.Воҳидов номидаги ихтисослаштирилган илмий жарроҳлик марказининг фаолият бошлаганига 37 йилдан ошди. Мазкур муассаса республикамиз хирургия мактаби етакчиси ҳисобланади. Айниқса, марказнинг туғма юрак хирургияси бўлими эришаётган ютуқлар фикримизни тасдиқлайди.

Ўтган йиллар мобайнида юрак хасталигини даволашнинг янги усуллари амалиётга жорий этилди. Масалан, тетрадо фалло ташхиси қўйилган беморларда ўнг қоринчанинг чиқиш қисмида ривожланмаган клапан ўрнига бир тавақалиси яратилди. Соҳадаги ижобий ўзгаришлардан яна бири — марказ қошида фақат юрак касалликларини хирургик даволашга мўлжалланган тўрт қаватли бино барпо этилди. Ҳозир бу ерда гўдаклардан тортиб, кекса беморларгача даволаш имконияти мавжуд.

Қолаверса, энг сўнгги диагностик асбоб-ускуналар, юқори технологик операцияларда қўлланиладиган сунъий нафас олдириш аппаратлари ва юрак етишмовчилик белгилари ривожланган вақтда ишлатиладиган сунъий чап қоринча аппаратлари қўлланилади. Бундан ташқари, мураккаб туғма юрак нуқсонини даволаш учун мультиспираль компьютер томографияси диагностика усули биринчи марта қўлланилди. Бунда юрагнинг аномалияларида аниқ вақт мобайнида қандай иш олиб бораётгани кўринади. Мураккаб туғма юрак нуқсонининг қандай ўзгаришга учрагани аниқланиб, қайси жарроҳлик усулини қўллаш мумкинлиги ойдинлашади.

Шу ўринда Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази бўлим раҳбари, тиббиёт фанлари доктори Ҳакимжон Абролов ҳақида алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Ҳ.Абролов юрак-қон томир касалликлари диагностикаси ва даволашда замонавий услубларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилишга бағишланган амалий тадқиқот муаллифларидан бири.

Тошкент тиббиёт академиясини тамомлаб, институт илмий кенгаши йўлланмаси билан мазкур муассасага ишга келган ёш йигит касб сирларини устози — тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Дарвин Ғуломовдан ўрганди. Ўз устида тинимсиз ишлади, изланди.

1997 йилда юрак туғма нуқсонлари хирургия бўлимига врач сифатида ишга қабул қилинган Ҳ.Абролов 2002-2005 йилларда хорижий мамлакатларда малака ошириб қайтди.

— Фаолият жараёнида мураккаб операцияларнинг татбиқ этилиши, диагностиканинг яхшиланиши ва оптимал хирургиянинг танланиши муваффақият гаровидир, — дейди Ҳ.Абролов. — Баъзан бемор операцияга қадар ўтказилган текширувларда қўйилган ташхисдан бошқа ҳолатларга ҳам дуч келамиз. Шундай вазиятда билим ва малака қўл келади. Операциядан кейинги юракнинг яхши ишлаши бутун операция мобайнидаги чарчоқни чиқариб юборгандек бўлади. Гоҳо бемор юраги уришдан тўхтаб қолади. Ўша юракнинг ишлаб кетишини шу қадар истайсанки, ҳатто жону жаҳонингни беришга тайёр бўласан. Лаҳзада ҳаёт қадри борлиги, у нақадар бебаҳо эканини ҳис қиласан.

Дарҳақиқат, инсон учун ўз севган касбидан қониқиши, шу орқали ҳурмат-эъзоз топиши, ўтаётган умрига шукроналик келтириши чинакам саодатдир.

Отаётган тонг, ўтаётган кун, ботаётган қуёш — умрнинг энг гўзал тасвири. Уларга боқиб ҳаётни, яшаш фалсафасини англаш қийин эмас. Аслида, ҳаётнинг ҳар лаҳзаси гўзал, ҳар дами ғанимат. Ҳакимжон акадек қўли енгил фидойи инсоннинг машаққатли, аммо шарафли меҳнати туфайли ана шу гўзалликларни ҳис этиб яшаётганлар сафида мен ҳам борман. Бугун ҳаётда ўз ўрнимни топиб, жамиятимиз, юртимиз равнақи йўлида меҳнат қилаяпман. Шифокордан умрбод миннатдорман. Қўлингиз дард кўрмасин, азиз халоскорлар!

Ҳидоят ЖЎРАЕВА,
журналист

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АСАКА БАНК» (ОАЖ) ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ
ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи:
«Фарғона вилояти Фарғона шаҳар «Асака банк» биносини фасад қисмини мукаммал таъмирлаш»
Муддати —**1.09.2013 йил**
Бошланғич нархи — **472534,2 минг сўм ҚҚС билан; 393778,5 минг сўм ҚҚС сиз.**
Манзил: Фарғона шаҳар А.Навоий кўчаси 1, тел.(373) 224-72-14,224-80-45 (факс).
Қурилиш-таъмирлаш ишлари: Шахсий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
Квота ўлчови кичик бизнес субъектлари учун 100%.
Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.
Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:
қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.
Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:
Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси 37-уй, телефон/факс: (373)224-18-71
Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи – 63 000 сўм.
Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.
Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси 37-уй* манзилида ўтказилади.
Хизматлар лицензияланган

2008 йил Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа тумани 2-ихтисослашган мактаб томонидан Кенжабаева Юлдуз Улуғбековна номига берилган O"R-SHA №0045045 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

«TURKISTON IXTISOSLASHGAN AUKTSION SAVDO» МЧЖ
бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосида «RESPUBLIKA MAXSUS ALOQA BOG`LAMASI» ДУК томонидан Тошкент шаҳар ,М.Улуғбек тумани, академик Я.Ғуломов кўчаси, 2-уй манзилидаги; **1.**1995 йилда и.ч, д/р 01 261 AAA, бошланғич нархи 2 756 000 сўм бўлган, ГАЗ 31029 русумли, **2.**1993 йилда и.ч, д/р 01 198 AAA, бошланғич нархи 2 584 000 сўм бўлган, ГАЗ 31029 русумли, **3.** 1995 йилда и.ч, д/р 01 162 AAA, бошланғич нархи 2 782 000 сўм бўлган, ГАЗ 31029 русумли ҳамда «INTERSERVIS» Республика хўжалик ҳисобидаги ташқи иқтисодий бирлашмаси-давлат корхонаси томонидан Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк ипак йўли кўчаси, 75-уй манзилида сақланаётган; **4.** 1997 йилда и.ч, д/р 01 470 JBA, бошланғич нархи 20 650 000 сўм бўлган, СИТРОЕН ХМ русумли, **5.** 2004 йилда и.ч, д/р 01 459 JBA, бошланғич нархи — 44 850 000 сўм бўлган, УАЗ-31622 русумли ва **6.** 1992 йилда и.ч, д/р 01 536 GAA, бошланғич нархи 10 250 000 сўм бўлган, ГБА СНГ-ДАМАС русумли автомототранспорт воситалари қўйилмоқда.
Аукцион савдоси 2013 йил 29 июл куни Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда, соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган автотранспортлар ушбу савдо кунида сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси ҳар ҳафтанинг душанба кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади.
Аукцион савдоларига қўйилган автотранспорт воситалари билан сотувчи вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманома (ариза)ларни Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида расмий иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхатилади.
Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ТИАСнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р 20208000604941652001, МФО 00425, СТИР 302128906.
Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Тел: 144-66-55, 233-33-37.
Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652-сон қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2011 йил 29 мартдаги 91-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 19 июндаги 09 к-ПО-сонли буйруғига мувофиқ «Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт Маркази»ни хусусийлаштириш тартибида ташкил этилган бўлиб, мазкур Марказнинг вориси ҳисобланади, унинг бошқа юридик ва жисмоний шахслар олдидаги барча мажбуриятлари бўйича жавобгар ҳисобланади.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
Nashr ko'rsatkichi: 133
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: S.Shodiyeva
Bosishga topshirish vaqti - 21.20
Topshirildi - 22.30
E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 611 | 19431 nusxada bosildi | 12:45